Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

7 май, чоршанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 100 (1617)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 май куни Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

-- Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва, айниқса, «ДЭУ»нинг мамлакатимиздаги фаолияти қисқа вақт ичида яхши самара беришига айримлар шубҳа билан қараган эди. Бугунги кунда эришилган муваффақиятлар эса ушбу ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканидан далолат бериб турибди, -- деди Ислом Каримов. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари эндиги муҳим вазифалардан бири бу ўзаро ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтириш эканини таъкидлади.

Ким У Жун самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалишида «ДЭУ» ҳам ўз улушини қўшаётгани бизни қувонтиради, деди.

Суҳбат чоғида автомобилсозлик, телекоммуникация, тўқимачилик каби соҳаларда Ўзбекистон корхоналари билан «ДЭУ» ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамда «Ўзавтосаноат» уюшмаси раиси К. Парпиев иштирок этди.

**(ЎзА).**

*СУРАТДА: қабул пайти.*

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ тасвирга олган.**

## ЭКИННИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

***Сирдарё вилояти ҳокимлигида баҳорги ёғингарчиликлар туфайли қишлоқ хўжалиги экинларига етказилган зарарни тезда бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Шу йил 1-2 май кунлари ёққан кучли ёмғир ва дўл вилоят қишлоқ хўжалигига талайгина зарар етказди. Дастлабки маълумотларга кўра, 30 минг гектардан кўпроқ ердаги пахта, 30 минг гектарга яқин ғаллазор, уч минг гектардан зиёд майдондаги боғ ва узумзорларга шикаст етган. Каттагина майдонларда қатқалоқ ҳосил бўлган.

Йиғилишда туманлар ҳокимлари ва мутасадди раҳбарларнинг табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича қандай ишлар олиб борилаётгани ҳақидаги ахборотлари тингланди. Қишлоқ хўжалиги экинларини тўла сақлаб қолиш учун барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, экинларни тўла сақлаб қолиш, азотли ва фосфорли ўғитлар билан қўшимча парваришлаш, қатқалоқни юмшатиш каби ишларни қисқа муддатда амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Бу борадаги барча ишларда уюшқоқлик ва ташкилотчилик зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ў. Исмоилов қатнашди.

**(ЎзА).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1997 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори -- ойига 750 сўм;

ёшга доир пенсиянинг энг оз миқдори -- ойига 1400 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори -- ойига 750 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори -- ойига 750 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1997 йилнинг 1 июлидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин.

3. 1997 йил 1 июлдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

-- болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 1400 сўм;

-- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 850 сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилувчи оналарга, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1997 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва пенсия фонди ҳисобидан қоплансин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 июлдаги 1499-сон Фармони (9-банди бундан мустасно) 1997 йил 1 июлдан бошлаб ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 6 май.

## МУСТАҚИЛЛИК — ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

***Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг машҳур «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...» деган каломида оламшумул маъно, тўғрироғи, теран ҳаёт ҳақиқати бор. Зотан, инсоннинг бутун умри синов ва имтиҳонлардан иборатдир. Бизнинг умримиз мазмуни ўлчанадиган мезон ана шу ҳаёт поғоналаридан нечоғли шараф билан ўтишимиздадир.***

Бироз тасаввурга эрк берадиган бўлсак, жамият, давлат ҳаётини ҳам инсоннинг умр йўлига қиёслаш мумкин. Зеро, Ватан, халқ ҳаёти шу замин фуқаролари туриш-турмушининг жамулжамидир. Шу маънода, ёш мустақил давлатимиз Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, буюк келажак сари дадил одимламоқда. Лекин бу йўл, карвон бехатар бўлмас деганларидек, текис ва равон эмас. Бинобарин, у сарбондан тийрак нигоҳ, зийракликни талаб этади. Зотан, юртбошимиз бутун фаолияти давомида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда ана шу тийраклик ва зийракликни намоён этиб келаётир...

Италия Президенти Оскар Скальфаронинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланган матбуот конференциясини кузатар эканман, хаёлимдан ана шу туйғулар кечди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий давлатчилик қайта тикланди. Иқтисодиётни тубдан ислоҳ этишга, жамиятни демократиялаштиришга киришилди. Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга юз тутди.

Буни АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Бельгия, Франция каби дунёнинг мутараққий мамлакатлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларимиз, уларнинг дастлабки натижалари яққол кўрсатиб турибди. Айниқса, энг оғир йилларда ҳам ҳеч кимга садақа сўраб қўл чўзмаганимиз, давлатимиз раҳбари сиймосида бир қанча тинчлик ташаббуслари билан чиққанимиз, хорижий давлатлар билан ижобий савдо қолдиғига эга бўлиб келаётганимиз, шаҳару қишлоқларимиз, айниқса, пойтахтимиз Тошкент қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгараётгани юртимиз нуфузига нуфуз қўшади.

Буларни Италия Президенти О. Скальфаро ҳам эътироф этди. Унга ислоҳотлар йўлида халқимиз кўрсатаётган қатъият, Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни қатъиян тақиқлаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши ҳамкорликда курашиш борасидаги Ислом Каримов таклифлари, айниқса мақбул бўлди. -- Биз бу йўлда Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, -- деб таъкидлади Италия Президенти.

Матбуот конференциясида италиялик журналист Президент Ислом Каримовга савол бериб, Ўзбекистон-Россия муносабатлари, шунингдек, Россия-Белоруссия ўртасида тузилган иттифоқ хусусидаги фикрини сўради.

Аввало, Россия билан ҳамкорлик алоқаларимиз тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ривожланмоқда, деди Ислом Каримов. Биз бу -- тенг шериклик йўлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Россия ҳам Ўзбекистонни ўзининг тенг ҳуқуқли, ишончли шериги сифатида билишини истаймиз. Россияда бундай соғлом кучлар кўплиги бизни қувонтиради. Чунки Россия билан иқтисодий, хўжалик алоқаларимиз узоқ тарихга эга.

Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон, аввало, Чор Россияси, кейинчалик Шўро давлати учун доимо хомашё базаси бўлиб келган. Пахта, олтин каби бойликларимиз арзон-гаровга олиб чиқиб кетилган. Мен, ҳатто молия вазири бўла туриб, қанча олтин ишлаб чиқариладию қанча олтин олиб чиқиб кетилишини билмас эдим. Афсуски, ҳозир ҳам Россиядаги коммунистик, «ўта ватанпарвар» оқимлар орасида ана шу даврни қўмсовчилар бор. Улар собиқ Иттифоқни тиклаш шиори остида асли яна ўша мавқега эришмоқни истайдилар.

Россия-Белоруссия иттифоқига келсак, аввало, шуни айтиш керакки, бу ўша икки давлат -- Россия билан Белоруссиянинг ички иши. Бироқ менинг фикримни сўраган экансиз, шуни айтмоқчиманки, бу икки мамлакат ўртасида улар айтаётган тенглик ҳеч қачон бўлмайди. Мен буни бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтяпман. Белоруссия маълум маънода ўз суверенитетидан воз кечишга мажбур бўлади. Ўзингиз ўйланг, ягона банк бўлса, ягона пул бирлиги жорий этилса ва улар Москвада бўлса қандай қилиб мустақиллик ҳақида сўз бўлиши мумкин?

Мазкур иттифоқни тузишдан асосий мақсад эса, геополитик маконни вужудга келтириш, иложи бўлса, унга ён атрофдаги бошқа давлатларни ҳам қўшиб, собиқ Иттифоқ ҳудудида ўз таъсирини кучайтиришдан иборатдир. Биз эса, боя таъкидлаганимдек, барча давлатлар билан тенг шериклик асосидаги муносабатлар тарафдоримиз, деб жавоб қайтарди Ўзбекистон раҳбари.

Бир неча йилдирки, собиқ Иттифоқни қайсидир шаклда тиклаш ҳақидаги фикр гоҳ айрим давлат раҳбарлари, гоҳ «буюк давлат»чилик касалига мубтало бўлган баъзи фирқа «доҳий»лари тилидан эшитилиб турибди. Беихтиёр бунинг сабаби нимада, деган савол туғилади.

Бизнингча, бу шиорни ўртага ташлаётганлар Президентимиз айтганларидек, аввало, ўша «олтин давр»ни эслаб тамшанаётганлардир.

Мазкур шиор айрим мустақил давлатлар раҳбарлари томонидан олға сурилаётганига келсак, мустақиллик бу, аввало, улкан масъулиятдир, деган ҳақиқат бор. Бунинг маъноси шуки, мустақил бўлдингми, ўз аравангни ўзинг тортишинг -- рўзғорингни ўзинг тебратишинг керак. Ана шу -- етакчилик масъулиятини, қолаверса, елкасидаги рўзғор ташвишини кўтаролмай қолганлар, таъминотни марказдан «фонд»лар бўйича олиб ўрганганлар вазиятдан чиқиш йўлини собиқ СССРни тиклашда кўраётган бўлсалар, ажаб эмас.

Яна бир тоифа борки, улар мустақиллик туфайли рўй берган ўзгаришлар, демократик «сараланиш»лар натижасида отдан тушса ҳам эгардан тушмаган кимсалардир. Улар, таассуфки, ўз бахтсизликларини халқлари эришган мустақилликда, келажакларини эса -- СССРни тиклашда деб билмоқдалар. Булар орасида минтақамиз халқларининг айрим собиқ «валломат»лари ҳам борки, улар Москва кўчаларида изғиб, ўзларига «ҳамфикр»лар изламоқдалар.

Одатда, ҳар қандай ҳаракатнинг мазмун-моҳияти бўлади. Шу маънода собиқ Иттифоқни тиклаш тарафдорларининг пинҳона мақсадлари бизга аён. Лекин улар асл ниятларини «интеграция» деган жозибадор сўз билан ниқобламоқдаларки, бу ҳақда ҳам бироз тўхталишга тўғри келади.

Интеграция -- иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, оқилона меҳнат тақсимотини йўлга қўйиш, бир хил маҳсулотни бир неча мамлакатда ишлаб чиқармаслик, балки ўзаро айирбошлаш каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон, қолаверса, мамлакатимизнинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи республикалар, хорижий давлатлар билан тузган қўшма корхоналари, ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолияти бунга мисол бўла олади. Демак, интеграцияни чуқурлаштириш учун мустақил давлатларни бир чодир остига бирлаштириш шарт эмас. Уни маърифий йўл билан, ҳеч кимнинг суверенитетига дахл қилмаган ҳолда йўлга қўйиш мумкин. Бунга дунёда мисоллар кўп. Лоақал Европа Иттифоқи фаолиятини эслайлик.

Мухтасар айтадиган бўлсак, ҳар бир ёш мустақил давлатнинг оёққа туриб олиши, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши енгил кечмайди. Лекин ўтиш даври мураккабликларини қадам-бақадам енгиб, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаб, бу майдондан мағрур ва ғолибона чиқиш -- ёруғ келажакка эришиш ҳар бир халқ учун ғоят шарафлидир.

Бўлиб ўтган матбуот конференцияси, унда Президент Ислом Каримов жавобларидаги қатъият Ўзбекистон халқининг бу йўлда собитқадамлигини яна бир карра исботлади.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА).**

## ҚЎРИҚХОНА ОЧИЛДИ

Юртимизда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини қўриқлаш ва кўпайтиришда салмоқли ишлар қилинмоқда. Шу тадбирлардан бири Нуротада амалга оширилди. Вилоят табиатни қўриқлаш жамияти тасарруфидаги Оқтоғ қўриқхонаси иш бошлади.

Қўриқхона Шароф Рашидов, Файзулла Хўжаев номли ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари ҳудудидан 16 минг гектарга яқин майдонни ўз ичига олади.

**Т.ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ

## ИНТЕГРАЦИЯ САРИ ЯНГИ ҚАДАМЛАР

***Яқинда хорижий радиоларнинг бири тарқатган ахборотни эшитиб қолдим. Унда Европа тараққиёт ва тикланиш банкининг (ЕТТБ) МДҲ мамлакатларидаги иқтисодий вазият ва ислоҳотлар жараёни ҳақидаги маълумоти берилаётган экан. ЕТТБнинг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан Ҳамдўстликка аъзо давлатлар орасида энг барқарор давлатдир.***

Республикамиз ўтган йилда асосан, энергетика, тоғ-кон ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўсиш ҳисобига ялпи ички маҳсулот 1,6 фоизга ошгани қайд этилган. Мамлакатимизда молиявий тизимни барқарорлаштириш ва кенг кўламли ислоҳотлар дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, хусусийлаштириш, иқтисодий тизимни такомиллаштириш, савдони эркинлаштириш ўзининг ижобий самарасини бераётгани таъкидланган. Айниқса, ҳар икки томон учун манфаатли бўлган ўнлаб лойиҳалар юзасидан хорижий сармояларни республика иқтисодига жалб этилаётгани, ҳукумат ана шу масалани устувор вазифалардан бири сифатида қараётгани қайд қилинган. Албатта, бу жаҳондаги етакчи молиявий институтлардан бирининг холис эътирофи. Қолаверса, республикамизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни яна бир бора тан олинишидир.

Зеро, Ўзбекистонда ҳар куни муҳим сиёсий иқтисодий воқеалар юз бермоқдаки, тўғриси, ҳамюртларимиз ахборотларни эндиликда ҳеч бир ҳис ҳаяжонсиз қабул қилишга кўникдилар.

Мамлакатимиздан дунёдаги етакчи молиявий ташкилотлар, банклар, компания-ю, корпорациялар нуфузли делегацияларининг қадами узилмайди. Уларнинг нияти фақат республикамизнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб қайтиш эмас, балки аниқ режа ва мақсад билан ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборат. Мамлакатимизда чет эл сармоядорларини жалб этиш борасидаги шарт-шароитлар уларни ана шунга ундамоқда.

Шубҳасиз, республикамизда ўтган ҳафта ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди. Жаҳондаги энг бақувват ва обрўли банклардан -- «Сакура» банки Тошкентда ўз ваколатхонасини очди. «Сакура Банк ЛТД» -- Япониядаги энг йирик кредит -- молия институтларидан бири бўлиб, жаҳон бозорида ўзининг фаол иштироки билан муваффақият қозонган.

«Сакура» банки бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацу мамлакатимиз раҳбарлари билан бўлган учрашувда юртимиздаги иқтисодий имкониятларнинг кенглиги ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга асос бўлганлигини қайд этди. Албатта, «Сакура» банки Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб республикамизда ваколатхона очиши бежиз эмас. Японлар эса бу соҳада камдан кам адашадилар.

Ўтган ҳафтада Ҳалқаро валюта жамғармасининг тақсимловчи директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер, Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ)нинг бош котиби Жеймс Шавер ҳам республикамизга ташриф буюриб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Самимий суҳбатларда ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

ЖБТнинг бош котиби Жеймс Шавер журналистлар билан суҳбатда, ўтган йили Би-Би-Си телерадиокомпанияси суратга олган Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган божхона сиёсати, хусусан, инсониятнинг кушандаси -- наркобизнесга қарши кураш акс эттирилган ҳужжатли фильмни томоша қилганда, мамлакатимизга қизиқиши яна бир карра ортганини айтган эди.

Мамлакатимизнинг жаҳон мамлакатлари билан интеграциялашувида божхона сиёсатининг аҳамияти катта. Бунинг устига, Ўзбекистон Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш арафасида эканлигини ҳисобга олсак, ЖБТ бош котибининг республикамизга ташрифи ғоят аҳамиятлидир.

**Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

УШБУ СОНДА:

3-бет
ЭРТАГА «ДАВЛАТ, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ — ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ
ЭНГ БЕБАҲО МЕРОС

4-бет
«ҲАВАС» -- АЖОЙИБ МУСОБАҚА
БАҲСЛАР БОШЛАНДИ
ОТА ВАСИЯТИГА СОДИҚ ҚОЛИБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Конvнннинг мақсади миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган умумий ҳуқуқий асосларни шакллантиришдан иборатдир.

**2-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Ушбу Қонун амал қиладиган соҳа**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ёқилғи қазиб олиш, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси (матнда бундан буён энергия деб юритилади) ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, тақсимлаш ва сарфлаш (матнда бундан буён энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш деб юритилади) билан боғлиқ фаолияти ушбу Қонун амал қиладиган соҳа ҳисобланади.

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш:

энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланилишини таъминлашга;

энергия жиҳатидан самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, арзонроқ нефть маҳсулотлари, табиий газ, кўмир ва бошқа турдаги табиий ёқилғиларни (матнда бундан буён ёқилғи деб юритилади) қазиб олиш ва ҳосил қилишни рағбатлантиришга;

энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш миқдори ҳамда сифатини ўлчаш ва ҳисобга олишнинг аниқ, тўғри, бир хил бўлишини таъминлашга;

энергиянинг самарали ҳосил қилиниши ва сарфланиши ҳамда унинг сифати устидан, энергетика асбоб-ускуналарининг, энергия билан таъминлаш ва энергияни сарфлаш тизимларининг техникавий ҳолати устидан давлат текшируви ҳамда назоратини амалга оширишга қаратилгандир.

**4-модда. Стандартлаш**

Энергия ҳосил қиладиган ва энергия сарфлайдиган асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари белгилаб қўйилади.

Норматив ҳужжатларда энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларида энергия сарфланиши, ҳудудлар, бинолар ва иншоотларни иситиш, ҳарорати ва намлигини бир хилда сақлаб туриш, ҳавосини алмаштириш, иссиқлик, сув, газ ва электр билан таъминлаш, электр билан ёритиш учун энергия сарфлаш кўрсаткичлари белгилаб қўйилади.

Энергиядан оқилона фойдаланишга доир норматив ҳужжатлар, техникавий қоидалар ва нормалар энергия ҳосил қилувчилар ва уни сарфловчиларнинг барчаси учун мажбурийдир.

Энергиянинг сифати тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

**5-модда. Стандартлаш объектлари ва предметлари**

Энергия, энергия ҳосил қиладиган ва уни сарфлайдиган ёки энергияни бир турдан бошқа турга айлантириб берадиган асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар, транспорт воситалари, қурилиш, йўлсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёритиш техникаси қурилмалари, иситиш, ҳарорат ва намликни бир хилда сақлаб туриш ҳамда ҳавони алмаштириш тизимлари, халқ истеъмоли моллари, шунингдек, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва қурилиш конструкциялари энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги стандартлаш объектларидир.

Энергия ҳосил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, технология жараёнлари ва ишларни бажариш учун энергия сарфи кўрсаткичларининг мажмуи ва қиймати стандартлаш предметларидир.

**6-модда. Энергия жиҳатидан самарадорлик ҳамда энергия сифати кўрсаткичларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назорати**

Энергия жиҳатидан самарадорлик ҳамда энергия сифатининг норматив ҳужжатларда белгиланган кўрсаткичларига риоя этилиши устидан давлат текшируви ва назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (матнда бундан буён «Ўздавстандарт» деб юритилади) ҳамда бошқа органлар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юкланади.

**7-модда. Энергия сарфлаш нормативлари**

Ушбу Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида санаб ўтилган объектлар учун энергия сарфлаш нормативларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки у ваколат берган органлар белгилайди.

Энергия сарфлаш нормативлари энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотларнинг техника паспортларига, тузатиш-таъмирлаш ва режим варақаларига, улардан фойдаланиш йўриқномаларига киритилади. Бинолар ва иншоотларни иситиш, уларнинг ҳавосини алмаштириш ҳарорати ва намлигини бир хилда сақлаб туриш учун энергия сарфлаш нормативлари қурилиш нормалари ва қоидаларида белгилаб қўйилади. Энергия сарфлаш нормативлари ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади ва илғор технология ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши лозим.

**8-модда. Сертификатлаш**

Қуйидагилар энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича мажбурий сертификатлаштирилади:

энергетика ресурслари;

оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотлар.

Мажбурий сертификатлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланаётган асбоб-ускуналарнинг, шу жумладан, рўзғорда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарнинг норматив ҳужжатларнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига доир қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ишлаб чиқарувчи томонидан уни албатта тамғалаш йўли билан тасдиқланади.

**9-модда. Метрология**

Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида, шунингдек, энергияни сертификатлаш пайтида мажбурий давлат метрология текшируви ва назорати амалга оширилади.

Энергиядан оқилона фойдаланишни давлат томонидан метрологик таъминлаш энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида ўлчашнинг бир хиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар норматив ҳужжатлар мажмуини назарда тутади.

Қуйидагилар энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш устидан давлат метрология текшируви ва назорати объектларидир:

ўлчов воситалари;

ахборот-ўлчов тизимлари;

моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари;

энергияни ва энергия манбаларини ҳисобга олиш мажмуи ҳамда тармоқлари;

ўлчаш услублари;

метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа объектлар.

Энергиядан оқилона фойдаланиш тизимини таъминлаш устидан давлат метрология текшируви ва назорати «Ўздавстандарт» зиммасига юклатилади.

## II. ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АСОСЛАРИ

**10-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Қуйидагилар энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидир:

аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақа дастурлари ҳамда лойиҳаларини рўёбга чиқариш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун зарур бўлган энергия ҳосил қилишни ва уни сарфлашни барқарорлаштириш;

энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш режимларини энг мақбул даражага келтириш, унинг ҳисобга олинишини ташкил этиш;

энергия тежамли сарфланадиган асбоб-ускуналар ва энергия кам сарфланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш;

энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотга таааллуқли норматив ҳужжатларга энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларини киритиш;

энергия сифати, ишлаб чиқаришнинг энергия сарфланиши жиҳатидан самарадорлиги ва маҳсулотга энергия сарфи миқдори устидан давлат текшируви ва назоратини ташкил этиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг энергия жиҳатидан самарадорлиги текшириб борилишини ташкил этиш;

маҳсулотларнинг, ишлаб турган ва қайта қурилаётган объектларнинг, технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергетика экспертизасини ўтказиш;

энергия самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун энергия жиҳатидан самарадорлик намойиш этиладиган зоналар барпо этиш;

энергия жиҳатидан самарадор ва экологик жиҳатдан соф технологиялар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни рағбатлантириш;

энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш устидан статистика кузатувини ташкил этиш.

**11-модда. Ўзбекистон Республика Ҳукуматининг энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги ваколатлари**

Энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:

энергиядан оқилона фойдаланишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқади ҳамда уларни рўёбга чиқаради;

энергия тежамли сарфланадиган дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чақиришда вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

энергия жиҳатидан самарали техника ва маҳсулотлар, илғор технология, бу соҳадаги бошқарув усуллари ва илмий тадқиқотларни жорий этиш бўйича иккиламчи энергия ресурслари ва чиқиндилардан фойдаланиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, қуёш, шамол, сув оқимларининг табиий ҳаракати энергияси ва бошқа энергия манбаларидан (матнда бундан буён қайта тикланадиган энергия манбалари деб юритилади) фойдаланиладиган технологиялар рўёбга чиқарилишига кўмаклашади;

энергияни ҳисобга олиш, уни назорат қилиш ва бошқариш асбобларини, энергия жиҳатидан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз энергетика қурилмаларини ишлаб чиқарувчи саноат базаси ривожлантирилишига ёрдам беради;

энергетика тадқиқотлари ва экспертизалари соҳасидаги фаолиятга лицензия беради;

энергия сарфлашнинг махсус режимини ўрнатишга розилик беради;

энергиядан оқилона фойдаланиш ва энергетика асбоб-ускуналарини ишлатиш масалалари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратишга кўмаклашади;

жамоатчиликни энергиядан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**12-модда. Аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ҳамда лойиҳалар**

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ҳамда лойиҳалар энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда мажбурийдир.

Қуйидагилар тегишинча аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ, минтақавий дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ташаббускори бўладилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати;

вазирликлар ва идоралар;

Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари.

Аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ҳамда лойиҳалар беш йил ва ундан узоқроқ муддат учун ишлаб чиқилади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади ва устувор ҳисобланади. Уларни рўёбга чиқариш масъулияти тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилади.

**13-модда. Энергетика текширувлари**

Энергетика текширувлари энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Ҳар йили умумий ҳажми олти минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ёки бир минг тоннадан ортиқ мотор ёқилғисига тенг энергия ресурсларини сарфлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мажбурий энергетика текширувларидан ўтказилади.

Энергетика текширувларини ўтказиш тартиби ва муддатларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

**14-модда. Энергетика экспертизаси**

Энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар, шунингдек, ишлаб чиқарилишида энергиядан фойдаланиладиган маҳсулотлар энергия жиҳатидан самарадорлиги ва энергия сарфланиши миқдорини баҳолаш учун энергетика экспертизасидан ўтказилади.

Янги ва реконструкция қилинаётган объектларнинг, технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг лойиҳа ҳужжатларини энергетика экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир.

Энергетика экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда ўтказилади.

**15-модда. Энергияни ҳисобга олиш**

Ҳосил қилинадиган ва сарфланадиган энергия жами ҳажми албатта ҳисобга олинади.

Энергияни ҳисобга олиш тартиби ва уни асбоблар билан таъминлаш қоидалари, электр ва иссиқлик энергиясидан, табиий газдан, нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Энергияни ҳисобга олиш норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Энергия ҳисоби тўғри юритилиши учун жавобгарлик корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ёки шунга ваколат берилган бошқа шахсларнинг зиммасига юклатилади.

**16-модда. Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш устидан статистика кузатуви**

Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш ҳажми ҳамда унинг таркибий тузилиши, энергиядан оқилона фойдаланилиши устидан статистика кузатувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади.

## III. ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

**17-модда. Аниқ мақсадга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни молиялаш**

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ва лойиҳаларни молиялаш энергия жиҳатидан самарали дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришдан фойда оладиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган даромадлари, бюджетдан ташқари аниқ мақсадга қаратилган фондлар, ички ва чет эл инвестициялари, бюджет манбалари ва бошқа манбалар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**18-модда. Тармоқлараро энергияни тежаш фонди.**

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан бюджетдан ташқари тармоқлараро энергияни тежаш фонди (матнда бундан буён энергияни тежаш фонди деб юритилади) ташкил этилади.

Қуйидагилар энергияни тежаш фондини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:

кредитлар берганлик учун ва фонднинг бошқа молия-хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда;

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ҳамда лойиҳаларни рўёбга чиқаришдан олинадиган фойданинг улуши;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг аниқ мақсадга қаратилган ихтиёрий бадаллари;

энергиядан ноок̆илона фойдаланганлик учун иқтисодий жазо чораси қўллашдан тушадиган маблағлар;

амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

**19-модда. Энергия ҳосил қилувчилар ва унинг истеъмолчиларига бериладиган имтиёзлар**

Энергиядан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати юридик ва жисмоний шахсларга:

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган миллий, тармоқ ва минтақавий дастурлар ҳамда лойиҳаларни давлат имтиёзли кредитлар ҳисобидан молиялаш бўйича;

тармоқлараро илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаш, энергия жиҳатидан самарадор асбоб-ускуналарнинг тажриба туркумларини ишлаб чиқариш бўйича;

энергиядан фойдаланиш самарадорлигини анча оширадиган махсус асбоб-ускуналар, асбоблар ва материалларни импорт қилганлик учун божхона божлари ва солиқлар бўйича;

ўз ваколатига мувофиқ бошқа масалалар бўйича имтиёзлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати:

белгиланган нормативларга нисбатан энергия сарфи камайишини таъминлаган;

энергия сарфи миқдори белгиланган нормативлардагидан кам бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган;

ёқилғидан оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланаётган юридик ва жисмоний шахсларга энергия учун имтиёзли тарифлар белгилаши мумкин.

Энергияни тежайдиган технологияларга сарфланган харажатлар ва капитал маблағлар қопланишини жадаллаштириш мақсадида асбоб-ускуналар, асбоблар, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва констуркциялар, кўплаб ишлаб чиқариладиган энергия жиҳатидан самарали маҳсулотларни чиқараётган, тегишли ишларни бажараётган ва хизматлар кўрсатаётган ишлаб чиқарувчиларга, шунингдек, мазкур асбоб-ускуна, асбоб, материал, конструкция, маҳсулотларнинг жорий этилишини ва улардан фойдаланишни таъминлаётган юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ бўйича имтиёзлар белгиланади.

Энергия ва иссиқлик таъминотини такомиллаштириш, уй-жойлар, квартиралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни энергия сарфини ҳисобга оладиган, назорат қиладиган ва бошқариб турадиган асбоблар билан таъминлаш ишларини амалга ошираётган, иссиқлик йўқолишига йўл қўймаслик ва энергия сарфлашни камайтиришга, иситиш учун иккиламчи энергия ресурсларидан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан, маҳаллий ёқилғи турлари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни қўшимча равишда амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга энергияни тежаш фонди маблағларидан дотация берилиши мумкин.

**20-модда. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш**

Энергия таъминоти ташкилотлари жумласига кирмайдиган электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилар ана шу ташкилотларнинг тармоқларига энергия таъминоти тармоқлари ва манбаларнинг энг оқилона иш режимини таъминлайдиган миқдорларда ва режимларда энергия бериш ҳуқуқига эга. Энергия таъминоти ташкилотлари мазкур ишлаб чиқарувчилардан энергияни белгиланган тартибда чиқариладиган нархлар бўйича ўз тармоқларига қабул қилиб олишни таъминлашлари шарт.

Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги лойиҳалар ва дастурларга мувофиқ бунёд этилаётган, қайта тикланадиган энергия манбалардан фойдаланадиган, иккиламчи ресурслар ва чиқиндиларни ишлатадиган энергетика қурилмалари учун белгиланадиган электр ва иссиқлик энергиясининг нархлари ана шу қурилмалар қурилишига кетган капитал маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан келишилган муддатларда жадал қопланишини таъминлаши лозим.

Энергетика ресурсларидан самарали фойдаланилишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган тартибда нефть маҳсулотлари, қозонпеч ёқилғиси учун мавсумий нархлар ҳамда электр ва иссиқлик энергияси учун мавсумий тарифлар, шунингдек, электр энергияси учун сутканинг турли вақтлари бўйича табақалаштирилган тарифлар жорий этилади.

**21-модда. Энергиядан ноок̆илона фойдаланганлик учун жавобгарлик**

Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш соҳасида шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар бевосита энергия нобудгарчилигини ва энергетика жиҳатидан самарасиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини истисно этадиган ишлаб чиқариш, маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг белгиланган энергия жиҳатидан самарадорлигини таъминлашлари шарт. Бу талаблар бузилган тақдирда юридик шахсларга нисбатан:

энергиянинг сифат кўрсаткичлари бузилган;

энергиянинг бевосита нобудгарчилиги асбоблар ёрдамида ёки норматив усул билан аниқланган;

энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари норматив ҳужжатларнинг талабларига мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилган;

энергия сарфланишини асбоб ёрдамида ҳисобга олиш бузилган;

сертификатлаштирилмаган энергетика асбоб-ускуналаридан, энергия таъминоти тармоқлари ва тизимларининг элементларидан фойдаланилган;

мавжуд иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланишнинг белгиланган улуши таъминланмаган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий жазо чоралари қўлланилади.

Иқтисодий жазо чораларнинг қўлланилиши юридик шахсларни ўзлари етказган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Энергиядан ноок̆илона фойдаланганлик учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Энергия етказиб берувчиларнинг келишмасдан энергия таъминотини тўхтатиб қўйиши натижасида энергиядан фойдаланувчиларга етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

## IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**22-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Қуйидагилар халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир:

энергия жиҳатидан самарали технологияларни чет эл ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли айирбошлаш;

энергиядан оқилона фойдаланишни таъминловчи қўшма давлатлараро лойиҳаларни республикада рўёбга чиқариш;

энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги халқаро лойиҳаларда иштирок этиш;

энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларини халқаро стандартларнинг талабларига мослаш, шунингдек, сертификатлаш натижаларини ўзаро эътироф этиш.

**23-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикаси қатнашган халқаро шартномада ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**24-модда. Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 апрель.

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## «ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 апрель.

# ЭРТАГА «ДАВЛАТ, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ — ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ» МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ

## ЭНГ БЕБАҲО МЕРОС

***Ёшлар тарбияси, таълим олиши, иш билан таъминланиши ҳақида гап борар экан, менинг фикримча, биринчи навбатда халқ таълими тизимини бутунлай қайтадан ислоҳ қилиш, аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.***

Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан.

Шу еруғ дунё, табаррук замин, қадрдон тупроқ, она-Ватан биздан фарзандларимизга қоладиган бебаҳо меросдир. Улар ҳам ушбу меросдан фойдаланиб, ҳалол ва фидойи меҳнатлари, илмий-ижодий фаолиятлари, ихтиролари, кашфиётлари билан тўлдириб, такомиллаштириб ўз навбатида ўғил-қизларига мерос қолдирадилар. Абадият қонуни шундай.

Фарзандлар саодати, уларнинг ҳар томонлама етук инсон сифатида камол топишлари, аввало, тарбияга боғлиқ. Тарбия эса оиладан бошланади. Оиладаги тарбия ҳам, ҳусну ахлоқ ҳам сўзсиз болаларга кўчади, эл-юрт, халқ орасига тарқалади, кенг томир ёяди.

Болага ялқовликнинг ёмон иллат эканини тушунтирмоқ, интилиш ва ғайратнинг камолот эканини билдирмоқ, ўзидан улуғ бўлганларни ҳурмат этмоқни ва кишиларга марҳаматли бўлмоқликни ўргатмоқ, кўнглидан ҳасаду душманлик, такаббурлик, ғийбат ва ёлғон сўзламоқ каби одатларни чиқариб ташлаб, улар ўрнига эл-юртга, Ватанга муҳаббат, эзгулик, адолат уруғлари сочмоқ боланинг гўзал хулқ-атворли бўлишига сабабдир. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, феъл-атвор билан таъсир кўрсатиш тил билан бўлажак тарбияга нисбатан самаралироқдир. Чунки тарбияси гўзал нарсаларни ўргатса-ю, ўзи бадфеъл бўлса, у ёмон хулқ ўргатувчи саналади. Зеро, ота-онанинг хулқи болалар учун сўзсиз бажарилиши лозим бўлган ҳукмдир. Болалар кўз ўнгида ножўя ишлар қилиш уларни ҳам ўшандай ишларга йўлламоқдан бошқа нарса эмас.

Инсон тарбия берилсагина инсон бўлур. Ўргатилмаган от арава тортарга ҳам, омочга ҳам ярамагани каби тарбия кўрмаган бола ҳам бирор юмушга ярамас. Гўзал тарбия эса дунё ишига гўзал ҳисса қўшар. Йирик маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахруддин ўзининг «Оила» асарида шундай ёзади: «Оила тузиш ҳақидаги адабларни билиш биз аҳли ислом учун муҳим бир ишдир. Зеро, оила аҳволи тузук бўлмагани ва тарбия усулида бино этилмагани ҳолда, нақадар буюк бўлса ҳам, ҳеч бир миллат дунёда яшамас. Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару, дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлмаса ҳеч бир замон эътибор бермасдан келадиганимиз бўлмиш оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз қурар. Худонинг ўзи асрасин-у, агарда бир миллатга бундай ҳол рўбарў келса у миллат китобининг сўнгги варағи очилғусидир».

Республика хотин-қизлар қўмитаси фаолияти оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилани режалаштиришга эътибор бериш, аёлларни ижтимоий-иқтисодий томондан муҳофазалаш, давлат қурилишининг ҳар бир соҳасида аёлнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш, мавқеини оширишга йўналтирилган.

Қўмитанинг асосий диққат-эътибори ёшлар тарбиясига қаратилган. «Камолот», «Умид», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Ишсиз ёшларни, айниқса, қизларни иш билан таъминлашда «бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси» яхши натижалар бермоқда. Фарғона вилояти хотин-қизлар қўмитаси ёш қизларни миллий ҳунармандчилик касбларига ўргатишни изчил йўлга қўйган.

Юқорида айтганимиздек, ёшлар тарбиясида ота-онанинг роли беқиёс. Фарзандни кўпайтириш ёки камайтиришда кескин бир чегара йўқ. Лекин ота-онанинг жисмоний, руҳий ва моддий қуввати кўп болани тарбиялаш учун етадими, йўқми, гап ана шунда. Шу кунларда мактаб ёшидаги кўпгина ўқувчилар илм олиш ўрнига бозорларда олиб-сотарлик қилиб юришибди. Бир пайтлар барча ўқувчилар учун ярашиқли ва арзон бўлган кийимлар мактаб формалари йўқолиб кетди. Таълим билан тарбия бир-бирини асло инкор этмайди. Мактабга ялтироқ кўйлак кийиб, тилла узук, зирак тақиб бориш нега керак? Ўқувчиларнинг хилма-хил кийиниши тарбиянинг бузилишига туртки бўлади. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги жиддий ўйлаб кўрмоғи зарур.

Баъзи ота-оналар боласини мактабга юборадию, ўқияптими, йўқми, қаерларда юрибди, у ёғи билан иши йўқ. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида, халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида ёшлар тарбияси ҳақида жон куйдириб гапирди. Шукурки, бошқа қўшни давлатларга қараганда бизда тинчлик ва осойишталик барқарор. Бир бурда нонимизни хотиржам ейиш имконияти бор. Шундай экан, олма пишиб, оғзимизга тушишини кутиб ўтирмасдан жамият тараққиёти учун ҳисса қўшишга, фарзандларимизни илмли қилишга, уларнинг эл-юрт учун фойдали инсонлар бўлиб етишишига ҳаракат қилайлик. Президентимизнинг бу ҳақда эълон қилинган қатор Фармон ва қарорларининг асл мағзини чақайлик. Телевидениеда, матбуотда ёшлар тарбиясига тескари таъсир этувчи беҳаё фильмлар, турли сигареталар рекламаси намойиш этилганда ўз илдизимизга ўзимиз болта ураётганимизни унутмайлик.

Ўйлайманки, эртага бўлиб ўтадиган навбатдаги конференциямизда мазкур масалалар ўз аксини топади. Сўзимни эса Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга айтган қуйидаги гаплари билан тугатсам: «Тақдир менга дунё гўзалликларидан ҳам бебаҳо бир совға бермишдир. Бу менинг сендек ўғлим борлигидир».

Дарвоқе, Ҳумоюн тахтга ўтирганидан сўнг эл-юрт манфаати учун кўп ишлар қилди, адолат билан иш кўриб отасининг ишончини оқлади. Зеро, ҳар биримиз комил фарзандларимизнинг савобли амаллари билан фахрланиш бахтига сазовор бўлайлик. Дунёга келиб-кетмагимизнинг маъниси ҳам шудир.

**Насиба СОЛИХЎЖАЕВА,**
**республика хотин-қизлар қўмитасининг бўлим бошлиғи.**





*Гўзал келажакни гўзал хулқли ва тарбияли авлод яратади. Бу гапга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 426-болалар боғча-мактабида (юқоридаги суратда) жиддий амал қилинади. Ширин-шакар кичкинтойларга ҳар соҳада берилаётган тарбия, пухта билим уларнинг етук инсон бўлиб етишишлари учун хизмат қилади.*

*Мазкур туманда ташкил этилган «Умид» мактаб-академияси илмий раҳбари Халқ таълими аълочиси, биринчи тоифали ўқитувчи Сабоҳат Нуриддинова программалаштириш бўйича бор билим тажрибасини ўқувчиларга беришга интилади. Унинг таъбирича ўқувчилар катта мамлакатнинг кичик эгаларидир.*

## ЁШ ИЖРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Наманган давлат санъат билим юртида ёш ижрочиларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мусиқа ва санъат билим юртлари талабаларидан иборат юзга яқин ёшлар иштирок этишди. Улар чолғу асбобларининг 14 тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра Тошкент, Самарқанд, Наманган, Гулистон, Термиз, Урганч билим юртларининг ёш мусиқачилари юқори натижаларга эришдилар. Айниқса, Наманган санъат билим юрти талабалари рубоб, дутор, чанг, баян каби асбобларининг моҳир ижрочилари эканликларини намойиш этишди. Ғолибларга Амир Темур, «Камолот», «Олтин мерос» жамғармалари ҳамда бир қатор корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

**А. МАДАТОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси -- яъни Ватанни ҳимоя қилиш -- ўзини шу мамлакат фарзанди, деб ҳисоблайдиган ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бинобарин, барча фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур. Мустақил демократик давлатимиз турмушининг барча жиҳатларини белгилаб берган асосий ҳужжат -- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида ана шундай сўзлар ёзилган.***

### ИНСОН ВА ҚОНУН

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ



Мамлакатимизда амал қилаётган қонунлар Президент ва Қуролли Кучлар Бош қўмондони Ислом Каримов таърифлаб берган миллий хавфсизлик концепциясига тўла асосланган бўлиб, қуролли кучларимизни барпо этиш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш масалаларини аниқ белгилаб берган.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат тўғрисида» қонунлар, шунингдек, ҳарбий доктрина қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил октябрь ойидаги Фармони билан янги умумқўшин низомлари кучга кирди.

Прокуратура органлари Қуролли Кучлар тўғрисидаги қонунларнинг муҳимлиги ва аҳамиятини англаб, ҳарбий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашга, қонунлар ижросида интизом ва уюшқоқликни оширишга катта эътибор бермоқда.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, уларни чақириқ участкаларига бириктириб қўйишни, ҳарбий хизматга чақириш ва хизматни ўташни, хизматни заҳирада ўташни, ҳарбий ҳисобда туриш қоидаларига риоя этишни, умумий ҳарбий таълимни ўз ичига олади.

Бу қонун ва шу асосда чиқарилган бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ҳозирги вақтда прокуратура органларининг умумий назорат фаолиятида устувор ўринда туради.

Республика Вазирлар Маҳкамаси шу йил 18 март куни белгиланган ҳарбий ва муқобил хизмат муддатини ўтаган шахсларни армия сафларидан бўшатиш ҳамда 1970-1979 йилларда туғилган, чақириқдан кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини навбатдаги муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ, мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимларнинг чақириқ комиссиялари 1 апрелдан фаол иш бошлади.

Прокуратура текширишлари шуни кўрсатдики, 1996 йил кузида республикамизда армияга чақириш муваффақиятли ўтган. Қуролли кучлар сафига заҳирага бўшатилганлар ўрнини бошқа йигитлар тўлдирган. Ҳозир ёш жангчилар ҳарбий ишни зўр бериб ўрганишмоқда, мардлик ва ҳарбий биродарлик мактабини ўтмоқда, жанговар маҳоратларини оширмоқда. Уларнинг кўпчилиги яхши, малакали мутахассис бўлиб етишган. Ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирлари кичик сержантлар В. Холихонов, О. Азизов, оддий аскар Б. Ғаффоров, кичик сержант М. Мирзалиев ва бошқаларни энг яхши мутахассислар, деб эътироф этишмоқда.

Давлатимиз Ватан ҳимоячилари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқда. Ҳокимликлар, ташкилотлар ва корхоналарнинг ўз юртдошлари хизмат қилаётган бўлинмаларга оталиқ ёрдами бераётгани бунинг яққол исботидир.

Бундан икки йилдан зиёдроқ муқаддам, ҳукуматнинг 1994 йил 3 октябрдаги қарорига биноан, муддатли хизмат ҳарбий хизматдагилар ва уларнинг оилалари аъзоларига қўшимча имтиёзлар берилди. Шу жумладан, ойлик пул маошлари оширилди. Жангчиларнинг муддатли хизматни ўташ вақти уларнинг меҳнат стажи ва мутахассислиги бўйича иш стажига хизматнинг бир ойи ишнинг икки ойи ҳисобидан киритилади. Муддатли хизматни ўтаб бўлган ва ҳарбий қисм тавсифномасини олган жангчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш чоғида қуйидаги имтиёздан фойдаланадилар: тест синовлари чоғида улар тўплаган баллга имкониятдаги энг кўп миқдорнинг 10 фоизи қўшилади. Ҳарбий хизматчилар муддатли хизматни ўтаётган даврда уларнинг оилалари ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

Буларнинг барчаси республиканинг ёш фуқаролари Ватан олдидаги ўзининг муқаддас фуқаролик ва ҳарбий бурчини муваффақиятли ўташи учун қулай шарт-шароит яратади.

Республика Прокуратураси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Фарғона вилоятида, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлари қандай ижро этилаётгани билан танишди. Комиссия аъзолари Фарғона ва Қўқон шаҳарларида, Тошлоқ, Данғара туманларида бўлдилар.

Текширувлар бу ерда ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари армияга чақириш мавсумига яхши тайёргарлик билан келганликларини кўрсатди. Чақириқ комиссиялари фаолиятида прокуратура ходимлари мунтазам иштирок этмоқда, чақириқ муваффақиятли ўтмоқда. Армияда хизмат қилишдан қатъий бўйин товлаш ҳоллари учрагани йўқ.

Айни пайтда айрим туманларда, айниқса, мактабларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ҳамда чақириқ ёшига етмаганлар орасида соғломлаштириш ишлари яхши ташкил этилмаган, машғулотларни баъзан бу ишдан хабари бўлмаган ходимлар ўтказади. Шу боисдан, бундай жойларда армияга чақиришдан кечиктириш ёки ҳарбий хизматчиларнинг Қуролли Кучлар сафидан муддатидан олдин қайтиш ҳоллари юз бераётгани тасодиф эмас.

Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириқ бошлангани муносабати билан эслатиб ўтамиз: «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, чақирилувчининиг отаси ва онаси ёки улардан бири меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, улар билан бирга ёки айрим ҳолда истиқомат қилишидан қатъи назар, ўзларини боқиши шарт бўлган бошқа меҳнатга қобилиятли ўғли бўлмаган тақдирда, чақирув комиссияси унинг чақириш муддатини узайтиради.

Чақирилувчининг меҳнатга қобилиятсиз онаси ёлғиз бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлса-ю, истиқомат жойидан қатъи назар, амалдаги қонунларга мувофиқ, онасига моддий ёрдам кўрсатиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли бошқа фарзанди бўлмаган, чақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз ўзи тарбиялаётган, шунингдек, чақирилувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлиб, ёки хотини биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлган ҳолларда, бундай чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматга чақирилиши муддати узайтирилади. Шунингдек, ота-онасининг вафот этгани, уларнинг узоқ муддат бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра чақирилувчини камида беш йил давомида ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенг шахслар ҳисобланади.

Мазкур қонуннинг 17-моддасида ўрта умумий таълим ва ҳунар-техника билим юртларида таҳсил кўраётган чақирилувчиларнинг чақириш муддатини улар тўлиқ умумий таълим олгунларига қадар, лекин кўпи билан 21 ёшгача, олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган чақирилувчиларнинг чақириш муддати ўқув юртини битиргунга қадар узайтирилиши кўзда тутилган.

Интизомсизлиги, яхши ўзлаштирмаслиги ва ўқишни хоҳламаслиги сабабли ўқув юртларидан ҳайдалган шахслар чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқидан маҳрумдир.

Республикамизда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонун амал қилмоқда. Муқобил хизмат -- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг халқ хўжалиги корхоналарида, муассасалар ва ташкилотларда юқори малакани талаб қилмайдиган (ёрдамчи) ишларни ёки ўз малакасига мувофиқ ишларни бажариши билан боғлиқ бўлган давлат хизматининг алоҳида бир туридир. Муқобил хизмат фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун заҳирадаги жангчиларни тайёрлашни кўзда тутади.

Муқобил хизматни ўтайдиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган.

Ҳарбий ҳисобда турган, ёши 18 дан 27 гача бўлган, муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган фуқаролар агар уларнинг оилаларида чақирилувчидан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан кўп фарзанд бўлса, ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-оналари ёки ака-укалари (опа-сингиллари) бўлса, эътиқоди қуролдан фойдаланиш ва қуролли кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар аъзоси бўлса, улар муқобил хизматга чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 7 июнда тасдиқлаган муқобил хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри врачлар комиссиялари жанговор қисмларда ҳарбий хизмат қилишга чекланган даражада яроқли деб топган, шунингдек, чўпонлик лавозимида ишлаётган фуқаролар ҳам муқобил хизматга чақирилади.

Армияга чақиришга доир барча ишлар чақирув комиссиялари зиммасига юклатилган бўлиб, уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, ҳокимликлари томонидан белгиланади. Комиссиялар таркибида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳарбий бошқармалар органлари ходимларининг иштирок этиши шарт.

Прокуратура органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари билан биргаликда, Мудофаа вазирлиги билан келишган ҳолда, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминлаш, Республика Қуролли Кучларида интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда.

Гарнизонларнинг ҳарбий прокурорлари эътибори барча ҳарбий бўлинмаларда, айниқса, хизматга янгидан чақирилган аскарлар келаётган даврда қонунлар ижросини назорат қилишни кучайтиришга қаратилган. Ҳарбий интизом ва ҳуқуқ тартиботининг ҳолати учун, низомга хилоф ўзаро муносабатларнинг бошқа ҳарбий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши учун барча даражадаги командирларнинг масъулияти оширилмоқда ва уларга нисбатан талаб кучайтирилмоқда.

Ҳокимликлар, маҳаллалар йиғинлари, фахрийлар ташкилотлари, «Камолот» ёшлар жамғармаси, оммавий ахборот воситалари, бошқа манфаатдор муассасалар кўмагида ҳарбий хизматнинг нуфузи муттасил оширилмоқда. Натижада, чақириқдан бўйин товлайдиган шахслар камайиб, армиянинг обрўси ошмоқда.

Қонун ҳужжатларида қонунни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 225-моддасида узрли сабабларсиз муддатли ҳарбий ёки муқобил хизматга чақириқдан бўйин товлаш -- шундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликни кўзда тутади. Бунда назарда тутилган жазо чораси икки йилгача озодликдан маҳрум этишдан иборат.

Айни шу моддада ўзига ўзи шикаст етказиб ёки ҳужжатларни сохталаштириш, ёхуд ўзгача алдаш йўли билан армияга чақириқдан бўйин товлаш учун уч йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши белгиланган.

Муқобил хизматни ўтаётган шахс қонунда белгилаб қўйилган мажбуриятларни бузганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин мажбуриятини такрорий бузгани тақдирда унга олти ойгача қамоқ жазоси кўзда тутилган.

Шундай қонун бузилишларига йўл қўйган шахслар билан ўтказилган суҳбатлар уларнинг айримлари қонун талабларининг, шунингдек, ҳарбий қасамёднинг жиддийлиги ва адолатли эканини тўла англаб етмаганини кўрсатмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ота-оналар, меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, маҳалла қўмиталари кўп иш қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам прокуратура органлари қонунлар ижросини назорат қилишда жамоатчилик ёрдамига таянади.

Шу муносабат билан, 19 март куни Тошкент вилоят ҳокимлигида, 26 март куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида 1997 йилги баҳорги чақириқни муваффақиятли ўтказиш масаласи юзасидан кенгаш ўтказилиб, керакли йўл-йўриқлар берилди. Бу кенгашларда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, мудофаа ишлари ва ички ишлар бўлимларининг бошлиқлари, соғлиқни сақлаш органларининг ходимлари иштирок этди.

Ўз вақтида амалга оширилган тайёргарлик ишлари, юқорида айтилган ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда амалга оширилган бошқа тадбирлар республикамизда баҳорги чақириқ муваффақиятли ўтади, дейиш учун асос бўла олади.

**Бурхон УСМОНОВ,**
**Республика Прокуратураси бўлим бошлиғи, катта адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган адлия ходими.**
**(ЎзА).**

«ҲАВАС» -- АЖОЙИБ МУСОБАҚА





# БАҲСЛАР БОШЛАНДИ

## «ДИНАМО» ТЕННИС МАЖМУИДАН РЕПОРТАЖ





Кеча пойтахтимизнинг «Динамо» теннис мажмуида «Ҳавас» кубоги учун иккинчи мусобақа бошланди. Мусобақани Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов кириш сўзи билан очди ва мусобақа қатнашчиларига муваффақият тилади. Швейцариялик ишбилармон, «Ай-Ти-Пи ЛТД» фирмаси раҳбари Сассон Какшури қатнашчиларни иккинчи марта ўтказилаётган ажойиб мусобақа билан қутлади. Бир неча марта «Президент кубоги» турнирларига супервайзерлик ва директорлик қилган Исроил теннис марказн раҳбари Ян Фруман турнирнинг очилиш маросимида шундай деди: **«Бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонга катта теннисни ташкиллаштириш, уюштириш бўйича мударрис сифатида келгандим, энди эса, аксинча, теннисни равнақ топтиришни ўрганувчи сифатида Ўзбекистонга келаяпман. Юртингизда теннис қисқа даврда тез ривожланганки, амалга оширилган ишларни кўриб, ўз кўзимга ишонолмайман».**

Мусобақанинг очилиш маросимидан сўнг қатнашчилар ўзаро баҳсларга киришиб кетишди. Эрталабки мусобақалар давомида 15 та гуруҳнинг ярмида баҳслар якунланди. Хусусан, 4-гуруҳ баҳсларида Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров барча учрашувларда ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, бешинчи гуруҳ баҳслари ҳам қизиқарли ўтди. Унда МҲХ раиси Р. Иноятов ғолиб чиқди.

6-гуруҳда кейинги босқичга бериладиган ягона йўлланма учун асосий баҳс Ж. Ҳакимов ва У. Хидиров ўртасида борди. Кортда узоқ вақт тенг кураш бўлганлиги боис, кўпчилик мухлисларнинг эътибори ҳам айнан шу учрашувга қаратилди. Унда Когон тумани ҳокими Ж. Ҳакимов 3/2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Биринчи гуруҳ баҳсларида Ҳ. Абдураимов рақобатдошларидан тўла устунлик қилди. Республика «Камолот» жамғармаси раиси кортларда Навоий шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари А. Лихиндан бир хил -- 3/0 ҳисобида устун келди.

Эрталабки баҳсларга 8-гуруҳ аъзолари якун ясашди. Бу гуруҳда Ўзбекистон миллий банки раиси Р. Азимовга тенгматенг ўйнайдиганлар топилмади. Тўғри, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Х. Ҳайдаров унга муносиб қаршилик кўрсатди. Лекин қолган икки учрашувда ғалаба қозонишига қарамай, ушбу ўйиндаги мағлубият Фарғона вилоят ҳокими ўринбосарини кейинги босқичга йўлланмадан маҳрум қилди.

Хуллас, кортларда мусобақалар хушкайфият, ҳазил-мутойиба билан, ўз навбатида қизиқарли курашлар остида ўтаяпти. Бугун 15 гуруҳ ғолибларига барча вилоят ҳокимлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси вакиллари қўшилиб, баҳсларни давом эттиришади.

Ушбу турнир очилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Суратларни Т. КАРИМОВ олган.**

# ТЕННИС ВУЖУДГА ОРОМ БАХШ ЭТАДИ



Шу йил март ойининг охирида Қарши шаҳрида қайта қурилган «Меҳнат» ўйингоҳининг мавжуд учта кортида туманларнинг ҳокимлари, вилоят миқёсидаги ташкилот муассасаларининг раҳбарлари ўртасида «Ҳавас» турнирининг якунловчи мусобақалари бўлиб ўтган эди. Турнирнинг саралаш мусобақаларида 22 киши иштирок этди. Қизиқарли баҳслар Қарши шаҳар ҳокими Ш. Бегматовнинг ғалабаси билан якунланди. Б. Эгамов иккинчи, А. Лихин учинчи фахрли ўринлар билан кифояландилар.

-- Теннис билан шуғулланаётганимга атиги икки йил бўлди, -- дейди Қарши шаҳар ҳокими, «Ҳавас» турнирининг вилоят чемпиони Шуҳрат Бегматов. —Спортнинг ушбу тури ўзининг сеҳрли олами билан мени мафтун этди. Вақт топилди дегунча теннис кортига боргим келаверади. У ерда спортчилар, талабалар билан учрашаман, уларнинг нималар билан яшаб, қандай ишлаётганликлари, ўқиётганларидан хабардор бўламан. Ўз-ўзидан равшанки, теннис кортини ободонлаштириш, ўриндиқлар қўйиш, жиҳозларни янгилаш, эскиларини бутлаш билан қизиқишга ҳам тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси кишига руҳан тетиклик бағишлайди. «Ҳавас» турниридан сўнг Қарши шаҳрида теннис мусобақалари ўтказиладиган кортлар тиклашга эътибор кучайтирилди. Айни пайтда шаҳарда катта-кичик 18 та теннис корти ишлаб турипти. Жаҳон андозаларига мос, бир йўла 3,5 минг томошабиннинг мусобақаларни кузатишлари учун мўлжалланган, усти ёпиқ теннис корти қурилиш ниҳоясига етай деб қолди. Унинг бир йўла икки жойида мусобақалар, 6 жойида машқлар ўтказиш имкониятлари бор.

Қарши шаҳрида теннисчинг оммавийлашиб бораётганлиги шаҳар ҳокимини қувонтиради. «Ҳавас» турнири соғлом турмушга етаклаётганидан мамнунлик изҳор этади.

-- Теннис спортгина эмас, балки инсон вужудига ором берадиган, унинг дам олишига имкон яратадиган восита экан, -- дейди у.

Айни пайтда «Ҳавас» турнирининг Қашқадарё вилояти бўйича ғолиби «Динамо» кортларига чиққан. Унинг республика миқёсидаги турниридан ҳам умиди катта.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Суратда: Республика «Ҳавас» турнири иштирокчиси, Қарши тумани ҳокими Шуҳрат БЕГМАТОВ.**

# «СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ»



**Ян ФРУМАН, Исроил теннис маркази раҳбари:**

-- Ўзбекистон эндиликда мен учун қадрдон юрт бўлиб қолди. Негаки, теннис ихлосманди сифатида менга мамлакатингизда бу спорт турининг тобора равнақ топиб бораётгани маънавий руҳ бағишлайди.

Ўтган йили мамлакатингизга келганимда ҳам юртингиз тенниси ҳақида бир фикрни айтгандим. Ҳозир шу гапимни яна бир бор такрор айтишни истардим.

Бундан тўрт йил аввал биз Ўзбекистонга катта теннисни йўлга қўйиш, халқаро мусобақаларни уюштириш учун мутахассис сифатида таклиф этилгандик. Ўша пайтдаги юртингиздаги теннисчинг даражасини Исроилникига таққослаганда анча орқада эди. Лекин кейинги тўрт йил давомида Ўзбекистонда теннисчинг равнақи йўлида жуда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган янги-янги теннис иншоотлари қурилди. Андижон, Фарғона ва пойтахтингиздаги қатор теннис мажмуаларига, улардаги шарт-шароитларнинг қулайлигига кўпгина мамлакатлар ҳавас қилса арзийди. Халқаро миқёсдаги теннис турнирларини уюштириш борасида ҳам эндиликда Ўзбекистон жуда катта тажрибага эга. Ўзбекистон теннис борасида Исроилга етиб олди. Мен бу билан нима демоқчиман. Агар теннис равнақи Ўзбекистонда шу суръатда давом этса, бундан тўрт йил олдин биз, хусусан мен юртингизга катта теннисни йўлга қўйиш учун Исроилдан мутахассис сифатида келган бўлсам, яна икки-уч йилдан сўнг Исроил теннисни қандай қилиб янада ривожлантириш борасида Ўзбекистондан мутахассислар сўраб, мурожаат қилса ажабмас.



ЎН ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

# ОТА ВАСИЯТИГА СОДИҚ ҚОЛИБ

***XII Тошкент халқаро кинофестивали саралаш комиссиясининг аъзолари хорижий мамлакатларда бўлиб, киноанжуман учун фильмлар танлаб қайтди. Халқаро кинофестивал бош директорининг ўринбосари, таниқли режиссёр Исамат ЭРГАШЕВ Ҳиндистонда бўлди. Биз санъаткордан сафар таассуротлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***



-- Ҳиндистонда кино тўлиқ давлат тасарруфида эмас. Борлари ҳам асосан ҳужжатли фильмлар яратиш билан шуғулланади. Киностудиялар эса хусусий. Сафар давомида уларнинг кўпида бўлиб, ижодкорлари билан суҳбатлашдик. Аввало ўзбек киномухлисларига қадрдон, Тошкент кинофестивалларида ҳамиша иштирок этиб, ўзларининг янги асарларини кўрсатиб келаётган Раж Капур сулоласи вакиллари билан суҳбат қурдик. Ҳиндистонда дастлаб ишлаб чиқилган «Дайди», «Жаноб 420» каби машҳур фильмлари билан ўзбек томошабинлари қалбини ром этган Раж Капур «Бобби», «Муҳаббат» фильмларининг дастлабки кўрикларини ҳам Тошкентда ўтказган эди.

Раж Капур киностудиясига ҳозир ўғли Рандхир Капур раҳбарлик қилаётган экан. Буюк санъаткорлар сулоласининг кўпгина вакиллари -- Раж Капурнинг укалари, ўғиллари, невaралари ҳам ана шу студияда ижод қилади. Ҳинд фильмлари ўзбек мухлислари томонидан севиб томоша қилиниши, айниқса, Раж Капур яратган ва ўзи рол ижро этган фильмлар ҳамон ўз мавқеини йўқотмаганлигини айтганимизда фарзандлари кўзида севинч ёши ҳалқаланди. Биз уларга оталарининг «Ўзбекистон мен учун юртимдек азиз, ўзбеклар биродарларим. Мендан кейин ҳам фарзандларим, набираларим сизлар билан бирга бўлади», деган сўзларини эслатдик.

-- Бизга ҳам шундай васият қилиб кетганлар, -- деди рандхир Капур. -- Отамиз, умуман Капурлар сулоласининг шуҳрат қозонишида ўзбек халқининг ҳиссаси катталигини биламиз. Отамизнинг фильмларига Ўзбекистонда қизиқиш катталиги, барча севиб томоша қилиши, бошқача айтганда, бир вақтлар синиш даражасига келиб қолган Раж Капур студиясини ўзбекистонлик томошабинлар омон сақлаб қолгани яхши аён. Ўшанда ўзбекистонликлар отамнинг фильмларини сотиб олгач, иши ривожланиб кетган. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистонни бир умр эсдан чиқармаган.

Биз уларга кейинги икки йил ичида суратга олинган бирорта фильмлари билан фестивалда иштирок этишлари мумкинлигини айтдик. Раж Капурнинг фарзандлари маслаҳатлашиб, кенжа ўғил Ражив Капур режиссёрлик қилган «Премгрант» номли янги фильм билан қатнашиш истагини билдиришди. Капурлар сулоласидан анжуманимизга уч вакил келадиган бўлди. Булар Раж Капурнинг ўғиллари Нажив Капур, Ражив Капур ҳамда бугунги кунда аёллар ичида энг иқтидорли актриса деб ном олган набираси Каришма Капурдир. Ўзбекистонлик мухлислар шунингдек, фестивал кунлари Метхун Чакраборти, Сайф Алихон, Мамта Кулкарни сингари ҳинд киноси юлдузлари билан ҳам учрашадилар.

Яна бир таниқли продюссер Факричанд Меҳра ҳам Ўзбекистон билан доим ижодий алоқада бўлиб турган. У ўзбек киночиси Латиф Файзиев билан ҳамкорликда «Алибобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси» ва «Цирк» фильмларини яратган. Бу санъаткор ҳам «Игл. Фильмз» студиясида суратга олинган ва ўғли Ражив Меҳра режиссёрлик қилган «Рамжони» фильмини олиб келадиган бўлди. Меҳралар сулоласининг яна бир вакили Тинку Меҳра Лондонда видеофильмларни кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланар эди. Ҳозир у Деҳлида видеомарказ очибди. Ўзбекистонда ҳам видеомарказ ташкил этсак, сўнгги нусхадаги техника намуналарини олиб келиб, ҳамкорликда иш бошласак деган ният билдирди.

Сафаримиз давомида биз яна Яш Чукра, Гулзор, Ражид Кхой, Сибби каби режиссёрлар билан учрашиб, уларда ҳам ўзбек кино санъатига қизиқиш катта эканлигининг гувоҳи бўлдик. Хуллас, фестивал қатнашчилари ва томошабинлар Ҳиндистон киноусталарининг бешта янги бадиий фильми билан танишадиган бўлди.

Кино санъатидаги янги оқимларни қўллаб-қувватловчи давлат ташкилоти бўлмиш Деҳли фестивали директори билан учрашув ҳам яхши таассурот қолдирди. Келгусида Тошкент халқаро кинофестивали билан Деҳли кинофестивали ўртасида бўладиган ҳамкорлик хусусида келишиб олдик.

**ЎзА мухбири**
**Б. МАНСУРОВ ёзиб олди.**
**(Сурат «Халқ сўзи» архивидан олинди).**


Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Келажак» халқаро бизнес мактаби

Кириш тестлари

| | |
|---|---|
| 10 май Тошкент | 7 июнь Андижон |
| 17 май Термиз | 14 июнь Фарғона |
| 24 май Нукус | 21 июнь Самарқанд |
| 24 май Урганч | 28 июнь Бухоро |
| 31 май Жиззах ва Тошкент | 9 август охирги тест -- Тошкент |

Тест бўлиб ўтадиган жой ва вақт ҳақида шаҳрингиздаги ACCELS офисига мурожат қилинг.

Нукус, Қорақалпоғистон. Ҳабибназар Доувчанов. Қорақалпоқ кўчаси 3, 1-қават тел: (36122) 4-28-61 тел/факс: (36122) 7-09-68

Наманган.Фарғона водийси Шарифжон Қаюмов Машраб кўчаси 4,4-қават тел: (36922) 6-27-50 тел/факс: (36922) 6-19-19

Самарқанд. Феруза Салиҳбаева Университет хиёбони 15, Квант электроника кафедраси тел: (3662) 35-67-80 тел: (3662) 35-14-98

Бухоро. Аям Таймазова маълумот ва маданият Маркази, Маданият музейи биноси, Б. Нақшбандий кўчаси. тел/факс: (36522) 4-22-46

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети -- «Келажак» халқаро бизнес мактаби**
Директор: Мила Эшонова -- Телефон: (3712) 454663/459214



Ишбилармонлар диққатига!

Республикада биринчи марта




Замонавий кичик технология ва қишлоқ хўжалиги учун ускуналар
СОТУВ КЎРГАЗМАСИ
AGRO TECH - 97

***Илғор технологияларни ўз кўзингиз билан кўриб, танишишдек, ускуналарни танлашда тўғри хулоса қилиш ва унга эга бўлиш шартномасини расмийлаштиришдек, камдан-кам имкониятни қўлдан бой берманг.***

Кўргазманинг ишлаш вақти: 13 май 14.00-18.00; 14, 15 май 10.00-18.00; 16 май 10.00-16.00
Кўргазма манзили: Тошкент ш., Амир Темур кўч., 107, ЎЗЭКСПОМАРКАЗ, 4-павильони.
Кўргазма ҳомийлари: Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
Кўргазма ташкилотчиси: ЎЗИНВЕСТЛОЙИҲА компанияси.
Мурожаат учун телефонлар: 33-63-43, 68-53-24. Факс: 40-66-41.


Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси миллий банк касаба уюшмаси қўмитаси раиси К. М. Азизовга онаси **Муборак АЗИЗОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Р. Беруний номли Тошкент давлат техника университети раҳбарияти «ИЕД» кафедраси мудири, доцент Б. Р. Туляев ва «КХМ» кафедраси доценти А. Р. Туляевга оналари **Хуриниса ая ЗАЙНУДДИНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.





ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ
ТИФЛОКС
Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади:
- ич терлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- суяклар, бўғинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитети сусайган беморни профилактика қилиш.

ДОЗА 5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка
сурхан аджанта фарма лимитед

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ


- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр,резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

ДОЗА 5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан
сурхан аджанта фарма лимитед


ФУТБОЛ

# ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА

Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Зокир Қурбонов бошчилигидаги спорт делегациямиз футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувида қатнашиш учун Яман республикасига жўнаб кетди. Футболимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати баҳсларига киришаётган миллий терма жамоамизнинг илк учрашувига қуйидаги футболчилар таклиф этилган: П. Бугало, Н.Ширшов, В. Филиппов, А.Фёдоров, Р. Бозоров, Ш. Мақсудов, Р. Шаймардонов, Ф.Ҳабибулин, Ж. Ирисметов, И. Шарипов, А. Маъруфалиев, Ф. Давлетов, Б. Қамбаралиев, С.Аҳмедов, Ш. Раҳмонқулов, Б. Ашурматов, Н. Ҳасанов, О. Усмонхўжаев, М. Қурбонов.

Миллий терма жамоамизга Рустам Мирсодиқов мураббийлик қилмоқда. Унга Евгений Валицкий ёрдам беради. Шунингдек, «Нефтчи»нинг бош мураббийси Юрий Саркисян терма жамоамизга йўриқчи-мураббий сифатида жалб этилган.

Вакилларимиз 9 май куни Яман терма жамоасига қарши майдонга тушади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон УСМОНОВ**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.**
**Навбатчи — Х. Абдураҳмонов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0298 40.290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.00**

1 2 3 4 5 6